Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология Кенгаши

ҚАРОРИ

2020 йил "29" 12 № 4/1 Тошкент шаҳар

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология Кенгаши фаолиятини қайта ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги "Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПФ-6035-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4790-сонли қарори билан белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология Кенгаши фаолиятини қайта ташкил этиш бўйича кун тартибидаги 1-масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачи Б.Юсупалиевнинг таклифи аъзолар томонидан атрофлича муҳокама қилинди ва Кенгаш қуйидагича **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология кенгаши таркиби 1-иловага, Кенгаш тўғрисида низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. **Кенгаш котиби (Н.Ташбаев):**

Кенгаш йиғилишларининг ҳужжатларини расмийлаштириш, тегишлилиги бўйича муассасаларга етказиш ва ижросини назорат қилиш жараёнлари тасдиқланган низом талаблари асосида олиб борилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташкилий тадбирлар режаси асосида Санитария-эпидемиология Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачи ҳузурида муҳокама этиладиган масалалар бўйича масъуллар иштирокида таклифлар тайёрлансин.

3. Мазкур қарор ижроси юзасидан назоратни ўз зиммамда қолдираман.

Кенгаш раиси **Б.Қ.Юсупалиев**

Кенгаш котиби **Н.С.Тошбоев**

		-	
		-	
		-	ўр
4.		-	ў ўр
5.		-	ў
6.		-	
		-	
		-	
		-	
		-	
	Қахра	-	
		-	
		-	
		-	